Журиков Алексей Васильевич — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги электрлаштириш бўлими бош мутахассиси.

Зокирова Ойпаш — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози аъзоси.

Зоҳидов Раҳматхон — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз катта агрономи.

Зиянгирова Миниса Шамиловна — Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхозаводи ишчиси.

Зубаиров Миноҳмат Вагизович — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бош бошқармасининг бошлиғи.

Ибодова Бусора — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Иброҳимов Деҳқон — Янгийўл районидаги Свердлов номли совхоз трактор-чиси.

Ибрагимов Шукур Ибратимович — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари.

Иброҳимова Ҳалима — Бекобод районидаги 4-«Далварзин» совхози ишчиси.

Иброҳимова Шайдо — Бўстонлиқ районидаги Тошкент ҳунарчилик-пиллачилик совхози ишчиси.

Эгамбердиев Эркин — Янгийўл районидаги Ўрта Осиё машина-синов станцияси директори.

Игамберднева Мария Григорьевна — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Икромов Ислом — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи.

Илёбоев Акимбой — Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув-хўжалиги трактор-чиси.

Илёс ўғли Амирхон — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози партком секретари.

Иномова Қўйсин — Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Ириметова Санобар — Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз сут соғувчиси.

Исаев Раҳим Саидович— Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Исаева Каромат — Бўка районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Исоқов Абдусамад Расулович — Бўка районидаги «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи.

Исоқов Шароф — Тошкент районидаги Ленин номли колхоз трактор-чиси.

Исломбоева Нортожи — Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхози ишчиси.

Исломқулова Тамара — Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози сут соғувчиси.

Исроилов Шакар — Меҳнаткашлар депутатлари Бўстонлиқ район Совети ижроия комитети ички ишлар бўлими милиционери.

Қодиров Хаким — Оҳангарон районидаги Тошкент от заводи сувчиси.

Қодиров Риҳси — Меҳнаткашлар депутатлари Бўка район Совети ижроия комитетининг раиси.

Қодирова Тўлганой — Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози ишчиси.

Қозиева Риҳси — Тошкент районидаги «Ленинград» совхози ишчиси.

Калонхўжаев Қаюм — Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхози ишчиси.

Комилжонов Аҳмаджон— Оҳангарон районидаги «Галлақудуқ» совхози бригада бошлиғи.

Комилов Халил — Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози трактор-чиси.

Кан Игнатий Семёнович — Қуйи Чирчиқ районидаги «Заря Коммунизма» колхо. зи бригада бошлиғи.

Қорабоев Сойиб — Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

Қорахўжаев Исроил — Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхози трактор-чиси.

Каримбердиев Нажим Азимович — Р. Р. Шредер но. мидаги сабзавотчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти бригада бошлиғи.

Каримов Мирза — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз раиси.

Каримов Нодир Умарович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси секретариатининг мудири.

Каримов Тирков — Оқ. қўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози бош агрономи.

Каримова Вазира — Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози сут соғувчиси.

Каримова Ойша — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

Қосимбекова Банап — Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Каттахўжаева Улбўсин — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Қаҳҳорова Нурҳабиба — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз сут соғувчиси.

Каюков Борис Максимович — Оҳангарон районидаги Тошкент от заводи сов. хози бош инженери.

Келесбоева Тўйғул — Юқори Чирчиқ районидаги «Верхний Чирчиқ» совхози ишчиси.

Ким Анисия Сергеевна — Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Ким Андрей Захарович— Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхози бригада бошлиғи.

Ким Владимир Семёнович — Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз раиси.

Ким Леонид Николаевич — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози бош инженери.

Ким Филипп — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз бригада бош. лиғи.

Коблякова Ксения Ивановна — «Узплодоовошвинпром» аграр-саноат бирлашмасининг Тошкент область «Садвинсовхоз» трести катта инженери.

Ковалёв Николай Яковлевич — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг бўлим мудири ўринбосари.

Ковалёва Наталья Александровна — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригада бошлиғи.

Козырящская Валентина — Павловна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ми. нистрлиги бошқармасининг бош мутахассиси.

Комарова Анна Трофимовна — Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Котляр Леонид Израилович — Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Қўзанева Файзиниса — Бекобод районидаги «Победа» колхози бригада бошлиғи.

Кузнецов Пётр Васильевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий ваколатхонаси референти.

Кузнецова Антонина Леонтьевна — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Бош бошқармасининг бошлиғи.

Қурбонов Абдураззоқ — Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози бригада бошлиғи.

Қўрғонов Убай — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози ишчиси.

Қўчқорова Минавар Тошмуҳамедовна — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳарид қилиш ва сифати бўйича Тошкент область Давлат инс. пектори.

Қўчқорова Мукарча — Чиноз районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Қўшаева Ғулижон — Қуйи Чирчиқ районидаги «Коммунизм» совхози ишчиси.

Қўшмуҳамедов Абдумалик Ҳамроқулович — «Уз. главзаготвинпром» Тошкент область трести директори.

Лапенко Евдокия Матвеевна— Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз бригада бошлиғи.

Лапицкая Мария Петровна— Оққўрғон район суғориш тармоқлари бошқармаси гидрометри.

Левшанов Николай Платонович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармасининг катта ре. ференти.

Легошин Владислав Иванович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармасининг бўлим мудири ўринбосари.

Ли Андрей — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози бош ин. женери.

Ли Василий — Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз бош агрономи.

Ли Михаил Васильевич— Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози бригада бошлиғи.

Лим Любовь — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози аъзоси.

Локтионов Александр Иванович — Ўзбекистон ССР тайёрлов министрининг ўринбосари.

Люманова Миневер — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз сут соғувчиси.

Мавлудов Амурулла — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Мадёрова Буойша — теплицалар қуриш ва фойдаланиш Калинин район комби. натининг мастери.

Маллабоев Зиём — Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз аъзоси.

Маменов Турдибек — Оҳангарон районидаги «Галлақудуқ» совхози молбоқари.

Мансуров Султон — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози шофери.

Маражабова Маърифат— Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Масодиқов Холмат Абдуваҳидович — «Узсельхозтехника»нинг захарли химикатлар ва минерал ўғитлар билан савдо қилувчи ихти. сослаштирилган Тошкент область базаси директори.

Матова Усуной — Оҳангарон районидаги «Галлақудуқ» совхози ишчиси.

Матиев Остонақул — Тошкент область ипакчилик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

Маҳаматов Маҳмуд — Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Маҳкамов Асатулла — Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг самолёт командири.

Маҳкамов Носир Маъзумович — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози раиси.

Маҳкамова Комила — Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Маҳмудов Отахон — «Узбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари.

Машарипов Абдумутал — Пискент районидаги «Гулистон» колхози бригада бошлиғи.

Мерзлякова Александра Семёновна — Калинин районидаги Гагарин номли совхоз сут соғувчиси.

Милянов Борис Николаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири.

Миршурова Зебо — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхози сут соғувчиси.

Мирбобоева Норжон — Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози ишчиси.

Мирзарайимов Мирзахалил — Меҳнаткашлар депутатлари Пискент район Совети ижроия комитетининг катта инспектори.

Мирзараҳмедов Рихсибой — Юқори Чирчиқ районидаги «Полиотдел» колхози аъзоси.

Мирзаҳмедов Хамидулла Зиёдович — Тошкент район суғориш тармоқлари бошқармаси бошлиғи.

Мирзаҳметов Қўзибой Аҳманбетович — Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози бош зоотехниги.

Мирсандов Абдувоҳид — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи.

Мирсолиҳов Фотиҳ — меҳнаткашлар депутатлари Юқори Чирчиқ район Совети ижроия комитетининг собиқ раиси.

Мирҳонов Миршуҳратилла — Меҳнаткашлар депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бош зоотехниги.

Мисонжник Александр Ильич — «Узплодоовошвинпром» аграр саноат бирлашмаси бошқармасининг катта инженери.

Мўминова Турсин — Пискент районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Муҳаммадёров Амир — «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг бош инженери.

Муҳаммадқулов Абдушукур — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секторининг мудири.

Мухтадов Ризман Алиевич — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози бригада бошлиғи.

Мухтазов Холиз — Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Назаров Гулом — «Узсельхозтехника» область бирлашмаси раисининг ўринбосари.

Назаров Муқим Усмонович — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози аъзоси.

Назарова Халима — Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Назимов Сулаймон — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Назирова Меҳринисо — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози звено бошлиғи.

Назирова Хурсаной — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Нам Сергей — Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Насаль Геннадий Владимирович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим инспектори.

Нарянц Михаил Рубинович — Ўзбекистон ССР Госплани бўлим бошлиғининг ўринбосари.

Насимов Нуъмон — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Неъматов Турғуной — Меҳнаткашлар депутатлари Янгийўл район Совети ижроия комитетининг ички ишлар бўлими катта инспектори.

Ниёзова Тошхон — Меҳнаткашлар депутатлари, Янгийўл районидаги Ниёзбоши қишлоқ Советининг раиси.

Нормуродов Азиз Файзиевич — Қуйи Чирчиқ районидаги Ҳамза номли колхоз партия комитетининг секретари.

Носирова Заҳро — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Нуралиева Мунисхон — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоси.

Нурматова Муқаддам Тойировна — Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз сут соғувчиси.

Нурматова Санобар — Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз аъзоси.

Очилов Шоми — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Пак Николай Иванович— Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа» колхози раиси.

Пак Фёдор Николаевич— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифати бўйича Ўрта Чирчиқ район давлат бош инспектори.

Полинин Юрий Михайлович — «Узплодоовошвинпром» аграр-саноат бирлашмаси боғдорчилик, узумчилик совхозлари Тошкент область трести бўлим бошлиғи.

Фармонова Шаҳодат — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози сут соғувчиси.

Петренко Валентина Алексеевна — Чиноз районидаги «Олмазор» совхози ишчиси.

Пивнева Анна Сергеевна — Чиноз районидаги наслчилик совхоз-техникуми бузоқбоқари.

Пилецкий Давид Исакович — «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Пирметова Марҳамат — Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозининг сут соғувчиси.

Подколзина Мария Петровна — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети сектор мудири.

Пирназаров Тожибой — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинобод» колхози аъзоси

Пузанков Орион Николаевич — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бош бошқармаси бошлиғи.

Пўлатов Салим — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва мелиорациялаш инженерлари институти ректори.

Ражапова Адолат — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Раззоқов Карим — Чиноз районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Расулзода Пўлат Ҳудойназарович — Тошкент область ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясининг директори.

Ризаев Маҳкам — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози партия комитетининг секретари.

Ризаева Ҳалима — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг аъзоси.

Рўзиматов Иззатулла — Чиноз районидаги Собир Раҳимов номли колхоз бош инженери.

Рўзимуротова Умитой — Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Рибалкин Владислав Александрович — Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бўлимининг бошлиғи.

Саъдуллаев Неъматилла —Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Сантмуротова Шарипа — Юқори Чирчиқ районидаги «Юқори Чирчиқ» совхозининг ишчиси.

Сайдалиева Саломат — Оржоникидзе районидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасининг парранда боқари.

Сайдаҳмедов Толибжон — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози директори.

Сайдуллаев Башар — «Узсельхозтехника» Бўстонлиқ район бирлашмасининг слесари.

Солиҳов Собир Ҳолмуҳамедович — Ўзбекистон ССР Госплани бўлими бошлиғининг ўринбосари.

Сариқулова Турсуной — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Саримсоқова Салима — Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг сут соғувчиси.

Сотимова Майрам — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси.

Сатторов Мамаражаб — Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг звено бошлиғи.

Сатторова Наима — Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхозининг ишчиси.

Сафаров Рубен Акопович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим бошлиғининг ўринбосари.

Саҳоддинова Меҳри Ҳудойқуловна—Оққўрғон районидаги Ботинцев номли колхоз сут соғувчиси.

Сдобников Владимир Васильевич—Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлими инструктори.

Сейдалиев Каримберди — Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозининг бош чўпони.

Скарупская Клавдия Павловна — Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг сут соғувчиси.

Содиқова Замира — Калинин районидаги Калинин номли колхоз сут соғувчиси.

Солдатова Наталья Васильевна — Ўзбекистон Компартияси Бўстонлиқ район комитетининг секретари.

Сулаймонова Комила — Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг ишчиси.

Сулаймонов Ғани — Пискент районидаги Вахрушев номли совхоз сувчиси.

Сулаймонова Фотима — Калинин районидаги Гагарин номли совхоз ишчиси.

Султонов Меливой — Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг бригада бошлиғи.

Султонова Шарипа—Тошкент районидаги Навоий номли колхоз сут соғувчиси.

Суспицина Татьяна Сергеевна — Қуйи Чирчиқ районидаги Сергели совхоз саноат комплекси чўчқабоқари.

Суяров Латиф — Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи.

Тожибоева Ортиқгул — Қуйи Чирчиқ районидаги космонавт Волков номли совхоз ишчиси.

Тожибоева Ибод — Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхози сут соғувчиси.

Тамазов Абдулазиз— Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи.

Тошев Ориф— Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз механизатори.

Тошматов Бойжигит— Бекобод райондаги 3-«Далварзин» совхозининг сувчиси.

Тошўлатова Қундузой— Калинин районидаги «Москва» совхозининг ишчиси.

Тошхўжаев Ҳожиакбар— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлими инспектори.

Темиров Тошканбой — Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз бригада бошлиғи.

Тишченко Иван Ефимович— Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз бош ветеринария врачи.

Тожибоев Жумабой — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бош. лиғи.

Толипова Ғулил — Тошкент районидаги Абдурахмонов номли совхоз ишчиси.

Тўхтабоев Тўлқин Турсунович— Тошкент районидаги «Тошкент» совхози партия комитетининг секретари.

Тўхтахўжаев Ўткир Соатович —меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бўлим бошлиғи.

Тўлабоева Шарипа Жумабоевна— Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозининг сут соғувчиси.

Тўлаев Абдувоид— Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз экономисти.

Тулепов Ўрмон— Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз бригада бошлиғи.

Тўрабоева Озод Тожибоевна— «Узгипроплодоовошвинпром» лойиҳалаш институти директори.

Тўраев Йўлдош — Бўка районидаги Ильич номли колхоз сувчиси.

Турақулов Абулқосим— Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг тракторчиси.

Тўрахўжаева Лилия Мусли-мовна—«Узгипрозем» лойиҳалаш институтининг директори.

Турғунбоева Шарипа — Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг парандабоқари.

Турдибоева Салима —Бекобод районидаги «Победа» колхозининг аъзоси.

Турдибоев Мирзаҳмад — Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхози бригада бошлиғи.

Турдиқулова Гулжаҳон — Юқори Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Турлибекова Марям —Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг сут соғувчиси.

Тўхтаева Зулхумор— Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Тўлаганов Юсуф Холтоевич— Оржоникидзе районидаги Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти марказий экспериментал базаси бригадири.

Умаров Зикрилла— Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози партия комитетининг секретари.

Умаров Эргаш Ўзганович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг референти.

Умаров Ирсбой— Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхозининг бригада бошлиғи.

Умарова Муқаддам Мажидовна— Ўзбекистон Компартияси Тошкент район комитетининг иккинчи секретари.

Упарова Рўзибуви — Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси.

Усарова Робия — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Усмонов Жаҳонгир Исоқович —Оржоникидзе район матлубот жамияти тайёрлов конторасининг директори.

Усмонов Рустам— Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг тракторчиси.

Усмонова Саодат— Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Усмонхўжаев Халим Ҳайдарович— Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институти лабораторияси мудири.

Устабоев Мирсоат — Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозининг бош агрономи.

Утамалиев Абдулазиз — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози партия комитетининг секретари.

Уташев Шодмон Азизович— меҳнаткашлар депутатлари Бекобод район Совети ижроия комитетининг раиси.

Файзиев Эргаш — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз бош агрономи.

Файзуллаев Жамшид — Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози партия комитетининг секретари.

Файрушин Герман Муборекшеевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Файзуллаев Нурилла — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР доимий ваколатхонасининг референти.

Фисенко Иван Николаевич— Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги бош бошқармасининг бошлиғи.

Хантхазаева Ҳавоҳон — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг ишчиси.

Ҳайдарова Гуласал— Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг аъзоси.

Ҳайдарова Шоҳида—«Узгипросельстрой» лойиҳалаш институтининг директори.

Ҳайрулин Бояс Илферович — Ўрта Чирчиқ район колхозларараро бўрдоқичилик базасининг молбоқари.

Ҳакиев Мукат— Ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Чирчиқ район отряди тракторчиси.

Ҳакимбоев Абдураҳмон— Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси.

Холбоева Сарагул— Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз аъзоси.

Холбоева Тўқсулув — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Холмуротов Туроп— Бўстонлиқ районидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқариш отрядининг тракторчиси.

Ҳолов Жумабой Ортиқович — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз бригада бошлиғи.

Ҳамидова Мукаррам — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли колхоз аъзоси.

Ҳамроева Буважар Анорбоевна— Қуйи Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз сут соғувчиси.

Ҳамроева Нури— Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз сут соғувчиси.

Ҳасанова Умри — Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз раиси.

Ҳошимова Тўти — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг аъзоси.

Хегай Зоя— Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг аъзоси.

Ҳидирова Жаннат Ўринбоевна— Пискент районидаги Калинин номли колхозининг звено бошлиғи.

Хизкилов Ешар Ирмеевич —Тошкент районидаги сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий текшириш институтининг бўлим мудири.

Холбоева Ойниса— Бўка районидаги Мичурин номли колхоз аъзоси.

Холдорова Манзура — Тошкент районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Хошимова Ойдин —Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи.

Худойбердиева Бибиниёз —Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Хусанов Ихтиёр— Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг аъзоси.

Хусанов Ҳожиакбар — «Узсельхозтехника» Тошкент область бирлашмаси раисининг ўринбосари.

Хушвахтова Бахмал — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

Цой Зинаида Сергеевна— Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Цой Сен-Чук— Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бош агрономи.

Чилматова Санталат — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Ўрта Чирчиқ районидаги ўқув хўжалиги ишчиси.

Чиндалиева Адрис— Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг аъзоси.

Чўтбоев Салоҳиддин Йўлдошевич— Калинин районидаги теплица қуриш ва эксплуатация қилиш комбинати директори.

Чўқиев Анар — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз чўпони.

Шабанов Кирмон— Чиноз район суғориш системаси бошқармаси бошлиғи.

Шоисмонлов Шуҳрат Шоҳримович — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

Шайхиддинова Ойсапар— Бекобод районидаги «Победа» колхозининг аъзоси.

Шокиров Соат— Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз аъзоси.

Шомухторов Аҳрол—меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси давлат уруғчилик инспекцияси директори.

Шамшиев Сайфуддин — қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари ишчи— хизматчилари Янгийўл район комитетининг раиси.

Шералиева Ортиқ —Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси.

Шеронов Ортиққул—Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози бўлим бошлиғи.

Шереметьевский Вячеслав Андреевич — Ўзбекистон Компартияси Оҳангарон район комитетининг иккинчи секретари.

Шерембетова Аният — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Шерматова Карима — Пискент районидаги «Гулистон» комлхозининг звено бошлиғи.

Шерматов Анвар— Тошкент районидаги Ильич номли колхоз аъзоси.

Шкрябин Юрий Сергеевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимининг инспектори.

Шомаҳмудова Ҳурият — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг сут соғувчиси.

Эгамбердиев Турғун — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.

Эгамберднева Адолат — Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози ишчиси.

Эгамназаров Қаршибой— Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи.

Эм Алексей Васильевич— Меҳнаткашлар депутатлари Ўрта Чирчиқ район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Эралиева Гуласал—Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхоз сут соғувчиси.

Эргашев Қўчқор— Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг сувчиси.

Эргашев Эркабой— Бекобод районидаги Навоий номли колхоз партия комитетининг секретари.

Эрмонова Бибигул— Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Эрназарова Садан —Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Эшбоева Қизигул—Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз сут соғувчиси.

Эшматов Бусалма— Пискент районидаги «Гулистон» колхози аъзоси.

Эшмуродова Ғулилой—Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

Эшқулова Барно Жўрамуродовна— Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

Югай Павел Васильевич— «Узсельхозтехника» Қуйи Чирчиқ район бирлашмасининг бошқарувчиси.

Йўлдошев Баҳодир Абдуллаевич— Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим бошлиғи.

Йўлдошев Умрия— Ўзбекистон Компартияси Ўрта Чирчиқ район комитетининг секретари.

Йўлдошева Гулнора Ботировна — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Йўлдошева Насиба— Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Йўлчиев Сирож— Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг тракторчиси.

Юнусова Нури Латипжоновна — Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги партия комитетининг секретари.

Юсупбекова Айпикша — Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг аъзоси.

Юсупов Раим — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг сувчиси.

Юсупова Майри— Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг ишчиси.

Ёдгорова Умри — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси.

Яҳёев Шавкат Ғаниевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

(Давоми бор).

И. Ф. МУҲАМЕДОВ

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг директори Иброҳим Файзиевич Муҳамедов 15 январь куни автомобиль фалокати натижасида бевақт вафот этди.

И. Ф. Муҳамедов 1909 йили Қўқон шаҳрида туғилди. Ўз меҳнат фаолиятини 1929 йилда Хоразм областининг янги Урганчидаги техникум ўқитувчилигидан бошлади.

Тошк

ГАЗЕТХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БЎКА. Бу ерда «Тошкент ҳақиқати» газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда «Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори А. Исмоилов редакция коллективининг иш ҳақида ҳисобот берди.

Конференцияда сўзга чиққан Жамбул номли колхозининг илғор сут соғувчиси Жамила Усмонова, Тимирязев номли мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари, актив қишлоқ мухбири Арслон Умаров, «Кўкорол» совхози партия ташкилотининг секретари Одил Порсиев, район алоқа бўлимининг бошлиғи Баҳром Нурмуҳамедов ўртоқлар қимматли таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Хусусан, улар КПСС Марказий Комитети Мактуби ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўзаро мусобақани ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида қилинадиган ишларга кенг тўхталдилар. Матбуотда илғорлар тажрибасини оммалаштириш, ишлаб чиқариш пешқадамлари ҳақида очерк, лавҳаларни кўпроқ ёритиш, қишлоқ мактабларидаги моҳир педагогларнинг тажрибалари қишлоқдаги турмуш маданиятига оид материалларга кенг ўрин беришни тавсия этдилар. Кўпгина жойларда қишлоқ қурилишлари чўзилиб кетмоқда. Бу соҳадаги камчиликларни очиб ташловчи материалларни ҳам тез-тез бериб туриш керак. Газетанинг ҳар бир сонини ўқимишли қилиб чиқариш учун қишлоқдаги ёш ижодкорлар, ҳаваскорлар асарларидан ҳам вақти-вақти билан намуналар бериб туриш зарур.

Конференция ишига район партия комитетининг иккинчи секретари М. Аҳмаджонов якун ясади.

Конференцияда актив қишлоқ мухбирлари ва матбуот тарқатувчиларга «Тошкент ҳақиқати» газетасининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

● ТОШКЕНТДАГИ **нати ишчи-хизматчилари тишга ўз хиссаларини метрополитен учун қўплаб етказиб бермоқда. Суратда: Ортиқ Қорабоев ва плиталар сифатини кўздан тошни қайта ишлаш комбинати метро станцияларини безатишга келмоқдалар. Комбинат гранит ва мармар плиталари халқ контроли назоратчиларидан Мусовира Қосимова тайёр кечирмоқдалар.**

М. Нуриддинов фотоси.

КАСБ МАСЪУЛИЯТИ

Механизатор — замонавий қишлоқ хўжалигининг марказий фигурасидир. Колхоз ва совхоз ишининг пировард натижалари унинг билими ва касб-кор маҳоратига, тажрибасига, унинг ишга муносабатига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. КПСС Марказий Комитетининг мактубида айтилган бу гаплар нақадар масъулиятли ва айни вақтда биз механизаторлар учун жуда шарафли эканлигини яқинда район партия комитети бюросида мени КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишаётганида янада чуқуррроқ ҳис этдим. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Ерга уруғ қадашдан тортиб, то етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олгунгача бўлган тадбирларнинг асосий қисми механизация зиммасига юклатилган. Механизация туфайли етиштирилаётган маҳсулот таннархи камаймоқда, унинг сифати ортиб бормоқда.

Мен меҳнат қилаётган Суяр Латипов бошлиқ бригада пахтакорлари ўтган йилда 138 гектар майдондан 42,1 центнердан ҳосил кўтаришди. Етиштирилган ҳосилнинг 96 процента терим агрегатлари ёрдамида териб олинди. Мусобакадошим Алиқул Эшонқулов ўз агрегати бункеридан 180 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкди. Мен эса мавсумда 150 тонна пахта тердим.

Айни кунларда бригадамиз аъзолари келгуси ҳосил учун замин ҳозирламоқдалар. Далаларга органик ўғит чиқариш ишлари қизғин давом этмоқда. Техника воситаларининг ҳаммаси кўкламги экиш мавсумига шай қилиб қўйилган.

КПСС Марказий Комитетининг илҳомбахш мактубидан руҳланган бригадамиз коллективи бу йил эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилишга азму-қарор қилдилар. Бизда эллик центнерлик хирмон кўтариш учун имкониятлар етарли, фақат экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилса, ғўза парваришида агротехника қоидаларига тўла риоя қилинса ва техникага янада кўпроқ суянилса бўлгани. Бу ишларнинг амалга оширилиши биз механизаторлар зиммасига катта масъулият юклашини ҳозирданоқ билиб турибмиз. Олдимизда турган ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб, айтган сўзимиз устидан албатта чиқамиз. Мен эса ғўза парваришида актив иштирок этиб, кейинги йигирма тонна мавсумида ўз агрегатим бункеридан 200 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкишга сўз бераман.

С. ОҚБОЕВ.

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

АГИТАТОРЛАР СЛЁТИ

БЎКА районида агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар, сиёсий ахборотчилар ва пропагандистларнинг слёти бўлиб ўтди.

Слётда район партия комитетининг секретари А. Абдуллаевнинг КПСС Марказий Комитетининг Мактуби ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллиқда топшириқларни муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида агитация-оммавий иш ходимларининг вазифалари ҳақидаги доклади эшитилди ва муҳокама қилинди.

Слёт қатнашчилари барча агитация-оммавий иш ходимларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

САБЗАВОТКОР БУРЧИ

Қиш-қишлигини қилмоқда. Ҳаммаёқда оппоқ қор. Изғирин шабада эсиб турипти. Бу ишимизга сира халақит бермаяпти. Қишлоқ аҳли барвақт уйғониб, меҳнатга ошиқади. Техника саройида бир зумда машиналар моторининг гувиллаган овози эшитилади. Бульдозерчи, скреперчилар ер текислашга, экскаваторчилар эса ариқ-зовурларни тозалашга, тракторчилар ўғит ташишга киришадилар. Ҳозиргача 3—4 минг тонна ўғит далага чиқариб қўйилди. Парник хўжалигида ҳам меҳнат авжида. Сабзавоткорлар 8 миллион туп кўчат тайёрлашга ҳаракат қилишяпти. Ўтган йили бу ерда етиштирилган кўчатларнинг бир қисми қўшни колхозларга ҳам сотилди. Бу йил ҳам арзон, соғлом кўчат етиштириш тадбирлари кўрилмоқда.

Совхоз маъмурияти далада ишлаётганларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Бажарилган ишни тўғри ҳисобга олиш, ҳақ тўлаш тартибга солинди. Ҳисобчи-бригадирлар ва бошқа ўрта звенодаги кадрлар ўқитилиб, эришилган бой тажрибалар оммалаштирилмоқда. Ютуқларни мустаҳкамлаш ва йўл қўйилган камчиликларни тугатиш учун курашмоқдамиз.

Коммунистларнинг аксарияти ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадор бўлган жойларда меҳнат қилишяпти. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажарибгина қолмай, бошқаларнинг ҳам мўл ҳосилга пухта замин яратишига даъват қилишяпти. КПСС Марказий Комитетининг мактуби эълон қилингач, ишга онгли ва ижодий муносабат янада кучайди. Сиёсий ахборотчи, агитатор, сиёсий ташкилотчилар мактуб асосида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Бу суҳбатларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, унумдорликни ошириш, резервлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўтган йил якунлари таҳлил қилинмоқда. Дарҳақиқат, 1976 йил натижалари анча қувончли бўлди. Дала ишлари ўз вақтида ва агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда олиб борилганлиги туфайли сабзавот топшириш бир ярим минг тоннага кўпайди. Пландан ташқари 400 тонна кўп картошка топширилди. Қовунтарвуз ҳосили ҳам мўл бўлди. Эл дастурхонига бир минг тоннага яқин сабзавот тортиқ қилдик. Ҳар бир ишчи ҳисобига ўртача 26 тоннадан маҳсулот етиштирилди. Совхоз тарихида биринчи марта ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

Меҳнатга ҳақ тўлашда прогрессив усуллар жорий этилмоқда. Сон ва сифат бирлиги асосий мезон бўлиб қолди. Мутахассислар, механизатор кадрлар масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Бунинг самараси яхши бўляпти. 1975 йили совхоз экинлардан фойда олиш ўрнига 400 минг сўмдан ортиқ зарар кўрган эди. Ўтган йили эса ҳосилдорликнинг кўпайиши, ҳисоб-китоб ишларининг пухта йўлга қўйилиши туфайли ялпи даромад бир миллион сўмга етди. Соф фойда эса 70 минг сўмни ташкил этди.

Коммунист Абдужамил Шеримов раҳбарлик қилган бригада деҳконлари айниқса яхши натижага эришдилар. Ҳар гектар ердан 21 тоннадан сабзавот, 11 тоннадан картошка топшириб ишлаб чиқариш планини 112 процент қилиб адо этдилар.

Моҳир тракторчи Баҳодир Набиев шу қишлоқда ўсиб, улғайди, касб ўрганди, тажриба ортирди. Биз уни қолоқ бригадага бошлиқ қилиб тайинладик. У ишончли қоладi. Деҳқонлар-тажрибакорлар билан ҳамфикр ишлаб анчагина тадбирларни амалга оширди. Сув чиқариш яхшиланди. Ўтлоқ, заҳкаш ерлар тартибга солинди. Кўчатлар барвақт ўтказилди. Культивацияни шахсан бригада бошлиғининг ўзи олиб борди. Сабзавот экинлари серҳосил ривожланди. Ҳар гектар ердан 23 тоннадан сабзавот маҳсулоти топширилди. Ҳар бир ишчи ҳисобига 41 тоннаданга маҳсулот олинди.

Ҳам Ха Дук бир неча йиллардан бери бригадага моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келмоқда. Планларини доимо ошириб бажаради. Ўтган йили бу бригада салкам бир минг тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари топширди. Планни 114 процент бажарди.

Бригада аъзолари икки марта қўшимча мажбуриятларни олдилар ва уни ортиқ билан бажардилар. Сабзи, пиёз, бодринг ва бошқа экин турлари бўйича берилган топшириқ зиёдаси билан адо этилди. Бу бригада бўйича 105 минг ўрнига 116 минг сўм даромад қилинди. Биз бундай ишбилармон кадрларни рағбатлантириш, тажрибаларини оммалаштириш тадбирларини амалга оширамиз.

Айрим бригадирларимиз ишончли оқламаганликларни тан олишлари керак. Бу эса бригада аъзолари ўртасида интизомнинг бўшашиб кетишига жиддий таъсир кўрсатди. Масалан, Байдулла Сафарбековни олайлик. У кўп ваъдалар берди. Мажбурият устига мажбурият олди. Биз яхши ишлаяпмиз деб мақтанди. Лекин оқибатда нима бўлди, денг. План 70 процентда қолиб кетди. Мирзаҳмад Нурматов ҳам манманликка берилиб дала ишлари билан юзаки шуғулланди. Топшириқлар бериб, ижроси устидан назорат қилмади. Биз уларни қайта-қайта огоҳлантирдик, тартибга чақирдик. Лекин улар танбеҳлардан ўз вақтида хулоса чиқариб олмадилар. Уларнинг ўрнига тажрибали механизатор ва сабзавоткорларни бригадир қилиб тайинладик.

Ҳозир ҳар бир бригадада иш қизғин. Сабзавоткорлар зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб меҳнат қилмоқдалар. Ерларни текислаб гектарига 500—700 килограммгача минерал, 10—15 тоннадан маҳаллий ўғит солиш режаларини белгиладилар.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш вазифасини қўйди. Биз бу соҳада ҳам тажрибаларни бойитиб, ютуқларни мустаҳкамлаймиз. Бу йил Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланади. Қутлуғ йилда ҳар йилдагидан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари топширишга қатъий бел боғлаганмиз. Камида 6500 тонна сабзавот, 1500 тонна қовун-тарвуз, 1500 тонна картошка етиштирамиз. Шундай қилиб, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни бир йилнинг ўзида 25 процентгача кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдик. Бу КПСС Марказий Комитетининг мактубида қўйилган вазифаларни бажаришга амалий жавобимиз бўлади.

Т. ШУКУРОВ,

Калинин районидаги «Москва» совхози партия ташкилотининг секретари.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 Эрталабки гимнастика. 10.30 — фильм-спектакль. 15.00 —Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — Бизнинг Лермонтов. 16.35 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 17.05 — Концерт. 17.35 — Подмосковье қурилишларида бригада пудрати. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Болалар учун шеърлар. 19.30 — Концерт. 20.00 — Инсон ва қонун. 20.35 — **Шимол камалаги** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Фильм-концерт. 23.20 — Хоккей «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» — ЦСКА (2- ва 3-қисмлари). 00.45 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — **Мультфильм.** 11.25— Табиатшунослик. 11.45 — Телефильм. 12.15 — **Ватангадолар** (бадиий фильм, 1-серия). 18.30 Телефильм. 18.55 — **«Камалак»** 19.25 — **«Ёшлик».** 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **«Илҳом».** 22.00 — **«Вақт».** (Москва). 22.30 — **Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети.** 22.55 — Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 —Болалар учун фильм. 19.20 — Эстетика. 20.00 — Математика. 20.30 — **Янгиликлар.** 20.50 — Фильм-концерт. 21.05 — Ҳужжатли фильм. 21.35 — Назарий механика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—18|I да **Флория Тоска,** 19|I да **Испан миниатюралари,** 20|I да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|I да **Қалби олов,** 19|I да **Парвона,** 20|I да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —20|I да **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|I да **Ишқ қурбонлари,** 19|I да **Ун саккиз ёшлигим,** 20|I да **Тинмасин соз** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузия ССР цирк санъати усталарининг гастроллари** (19.30).

Кино

Зорро — «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечкуруи).

Ульзана — «ДРУЖБА» (11, 13, 14.20, 17, 21.00), «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Касби репортер эди — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.30).

Ар-хи-мед-лар — БИЛИМЛАР уйи (13, 15, 17, 19.00).

Одамлар орасида танҳо — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкуруи).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«А» классининг биринчи группасидаги командалар ўртасида

ХОККЕЙ

18 январь соат 19.00 да «АВТОМОБИЛИСТ» (Свердловск) — «ВИНОКОР» (Тошкент)

23 январь соат 17.00 да, 24 январь соат 19.00 да «САЛАВАТ ЮЛАЕВ» (Уфа) — «ВИНОКОР» (Тошкент)

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-02-50, 46-03-21.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ФУТБОЛ. СССР футболчилари жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларига тайёргарликни бошлаб юборишди. Футболчиларимиз шу кунларда Италияда меҳмон бўлиб туришибди. Бу ерда машғулотлар ўтказиш билан бирга ўртоқлик учрашувларида ҳам ўйинчилар маҳорати синаб кўрилмоқда.

Ўтган дам олиш куни футболчиларимиз Италия ёшлар терма — командаси билан учрашиб 8:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Олег Блохин рақиблар дарвозасига 3 та тўп киритди.

ШАХМАТ. Гастингсда шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнир совет спортчисининг ғалабаси билан тугади. 25 ёшли гроссмейстер Олег Романишин мусобақа тугашига бир тур қолганида инглиз Д. Руменси мағлубиятга учратиб 13 имкониятдан 10,5 очко тўплаб ғолиб келди.

ҚЎЛ ТЎПИ. Боку ва Ригада қўл тўпи бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган командаларнинг навбатдаги мусобақалари ўтказилмоқда. Республикамиз вакиллари Ўзбекистон Давлат физкультура институти спортчилари Озарбайжон пойтахтида куч синашмоқда. Бу ердаги группада Олмаота динамочилари Краснодарнинг «Урожай», шунингдек Тирасполь ҳамда Бокунинг «Мехсул» командалари ҳам иштирок этмоқда.

Тошкентлик гандболчилар ўзларининг биринчи учрашувларини Олмаота командаси билан ўтказишди. Аввалига спортчиларимиз тўла устунлик қилдилар. Шевцов, Антоновлар кетма-кет муваффақиятга эришдилар. Учрашувнинг биринчи бўлими 12:5 ҳисобида тугади. Команда дарвозабони Ш. Исмонлов бир неча марта 7 метрлик штраф тўпларини ушлаб қолиб, маҳоратини намойиш этди. Иккинчи бўлим эса Олмаота спортчиларининг тўла устунлигида утди. Улар тобора орадаги фарқни камайтириб боришди. Лекин ўйинда бурилиш ясай олишмади. Тошкентлик спортчилар 22:20 ҳисобида ғолиб келиб, турнирни ғалаба билан бошлашди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Икки куи мобайнида пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт аренасида «Ўзбекистон физкультурачиси» — «Физкультурник Ўзбекистана» газеталари соврини учун анъанавий мусобақалар бўлиб ўтди. Спортчилар гарчанд ёпиқ залда мусобақалашган бўлишса-да, программанинг айрим турлари бўйича юксак натижалар кўрсатилди. Тошкентлик Александр Говорков баландликдан сакраб ўтишда икки метр натижа билан ғолиб келди. Бу тур бўйича аёллар ўртасидаги баҳсда эса фарғоналик Елена Савельева 175 сантиметр натижа билан биринчи ўринни эгаллади. 5 километрга спортча юришда Тошкент область вакили Виктор Иванов 23 минут 14 секунд натижа билан биринчи мукофотли ўринни олди. 800 метрга бўлган югуришда Э. Нурматов (2 минут 01,3 секунд), 400 метрга югуришда В. Ткачев (52,5 секунд), 60 метрга аёллар баҳсида А. Мифтахова (7,8 секунд) ғолиб келдилар.

Умумкоманда ҳисобида Тошкент шаҳар енгил атлетикачилари соврни эгаси бўлишди.

ВОЛЕЙБОЛ. Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган командалар лиги мавсум мусобақаларини бошлаб юборишди. Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари округ офицерлар уйида Тбилисининг «Спартак» командасини қабул қилдилар. Мезбонлар биринчи учрашувда осонгина 3:0 ҳисобида ғолиб келишди. Такрор ўйин ҳам тошкентликларнинг ғалабаси билан тугади. Ҳисоб 3:1.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЯХШИ ЯКУНЛАР ВА ҚУЛАЙ ИСТИҚБОЛЛАР

ПАРИЖ. (ТАСС). Бу ерда илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик юзасидан Совет-Франция аралаш комиссиясининг XIV сессияси ўз ишини тамомлади.

Сессия тугагандан кейин имзоланган ахборотда томонлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1974 йил Рамбуйеда Франция республикасининг президенти В. Жискар д'Эстэн билан учрашган чоқда эришилган аҳдномалар ва битимлар, шунингдек Франция республикаси президенти ва бош министрининг СССРга қилган расмий визитлари чогида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи акти руҳида 1975 йилда имзоланган ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимлар муваффақиятли равишда рўёбга чиқарилаётганлигидан умуман мамнун эканликларини изҳор этдилар.

1976 йилда, деб таъкидланади ахборотда, икки мамлакат ўртасидаги товар оборотини янада кўпайтиришга эришилди, ўзаро савдо-сотиқ анча баланслашган характерга эга бўлди.

Журналистлар учун уюштирилган матбуот конференциясида XIV сессияда раислик қилган А. Фроман-Мерис Франция-Совет ҳамкорлигини кучайтиришнинг муҳим эканлигини уқтириб ўтди.

Совет мутахассислари Иссуарда қурган улкан прессининг очилиши, деди у, СССР билан Франция ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг рамзи бўлди. Бу эса шу йил ўзаро товар оборотини икки баравар ва ҳатто уч баравар кўпайтириш учун умид бағишлайди ва мустаҳкам негиз яратади.

ЁН БЕРИШГА ТАЙЁР

ЛОНДОН. (ТАСС). МАР президенти А. Садат Англиядаги «Санди телеграф» газетаси мухбири билан суҳбатлашди. Шу суҳбатдан маълум бўлишича, у яқин шарқ муаммосини бартараф этишда Исроилга ҳар қанча ён беришга тайёр бўлиб турибди. Садат эҳтимол тутилган халқаро гарантияларга тўхталиб айтдики, Башарти, Исроил учун гарантия бериш тўғрисида гапириладиган бўлса, мен Исроил хоҳлайдиган ҳар қандай битимга қўшилишга тайёрман. Хатто, башарти муаммо бартараф этилгандан кейин Исроил Қўшма Штатлар билан мудофаа тўғрисида ҳарбий шартнома тузишни истаса-ю, Вашингтон бунга рози бўлса, мен унга қарши эътироз билдирмаган бўлур эдим.

МИСР президентининг гапидан маълум бўлишича, у 1977 йилда можаронинг тинч ҳал этилишига эришилишини кутаётгани йўқ. «Ҳал этишнинг нишондаригина» белгиланади, деди у.

«Таврия» ашула ва рақс ансамблининг шуҳрати кенг тарқалган. Суратда: Симферополь «Таврия» ансамблининг қатнашчилари ҳарбий миллий қўшиқларни ижро этишмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БУХАРЕСТ. Бу ерда СССР билан РСР ўртасида 1977 йилда товар оборотлари тўғрисидаги протокол имзоланди. Протоколда икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқни 1976 йилдагига нисбатан 17 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бир-бирларига машина-ускуналар етказиб бериш 30 процентдан зиёд ортади. Молларнинг турларини янада кенгайтириш ва товар оборотини 1977 йилги узоқ муддатли савдо битимида белгиланган ҳажмдагига нисбатан кўпайтириш кўзда тутилади.

● ПРАГА. Бу ерда бўлиб ўтган умумдавлат кенгашида ЧСР меҳнаткашларининг касаба союз ўқуви системасида муҳим бўғин бўлган социалистик меҳнат мактаблари фаолиятининг актуал масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашда сўзга чиққан касаба союз активлари, партия ва давлат органларининг вакиллари бу мактаблар меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълими системасида муҳим бўғинга айланганлигини таъкидлаб ўтдилар.

● СИНГАПУР. 1976 йилда Сингапурга келиб кетган ажнабий туристлар сони бир ярим баравар кўпайди. Аҳолиси 2,3 миллион кишини ташкил этадиган ана шу мамлакатга ўтган йил мобайнида чет эл туристларидан 1,5 миллиондан кўпроқ киши келиб кетди.

● ЛУСАКА. Смит режими Ботсвана республикасига қарши яна қуролли ирвогарлик қилди. Родезиянинг «Хавфсизлик қучлари» Ботсвана территориясидаги чегара постини автомат қурол билан ўққа тутишди. Ботсвана чегарачилари ирвогарларга қарши жавоб ўтини очдилар. Бу—Родезия ҳарбийларининг мустақил Ботсванага қарши қилаётган биринчи ҳуружи эмас.

(ТАСС).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 03134. Узбекистон Компартияси нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1544.